

## **Халқаро ҳамкорлик бўйича талабаларга батафсил маълумот берилди**

Телеграмдаги ТИҚҲММИнинг фаол 1000 талабаси илтимосига биноан Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор А.Салоҳиддинов билан онлайн учрашув ташкил этилди. Учрашувда талабалар хориждаги ҳамкор университетлар ва ташкилотлар, чет элда, хусусан Германияга стажировкага бориш, ривожланган давлатлардаги нуфузли университетларда таҳсил олиш тўғрисидаги маълумотлар билан қизиқишиди. Проф. А.Салоҳиддинов саволларга атрофлича ва батафсил жавоб берилди. Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Ш.Рахмонов томонидан бугунги кунда эълон қилинган грант ва лойиҳалар, уларга топшириш, ҳамкорликдаги лойиҳалар хусусида маълумотлар берилди. Шунингдек, ТИҚҲММИ билан йўлга қўйилган қўшма таълим дастурлари ҳақида ҳам мушоҳада юритилди.



Суҳбат давомида талабалар учун резюме (CV) ни тайёрлаш бўйича ўқув семинар ташкил қилиш бўйича келишиб олинди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди ва самимий суҳбат учун миннатдорлик билдирилди.

**Институт матбуот хизмати**